

“БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ” ҒОЯСИНИНГ НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

Низом Абдурахмонович Тангиров

Жиззах давлат педагогика институти “Фалсафа, тарбия ва ҳуқуқ таълими”
кафедраси ўқитувчиси, ф.д. (PhD)

nizom_tangirov@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада барқарор ривожланиш ғоясининг назарий-амалий аҳамияти фалсафий таҳлил этилган. Барқарор ривожланиш ғояси ҳозирги кунда глобал муаммолар тизимини ўрганиш ва ўргатишнинг самарадорлигини оширишда муҳим методологик аҳамият касб этади.

Таянч тушунчалар: барқарор ривожланиш, экология, глобал муаммолар, биосфера, ҳаёт, носферавий тараққиёт.

ABSTRACT

This article provides a philosophical analysis of the theoretical and practical significance of the idea of sustainable development. The idea of sustainable development currently plays an important methodological role in improving the efficiency of studying and teaching global problem systems.

Keywords: sustainable development, ecology, global problems, biosphere, life, development of the nosphere.

КИРИШ

Ҳозирги кунда глобал муаммолар тизимини ўрганиш ва ўргатишнинг самарадорлигини оширишда барқарор ривожланиш назарияларни чуқур тадқиқ этиш аҳамиятли. Инсониятнинг барқарор ривожланиши ғоялари глобал муаммоларнинг ўткирлашиши билан боғлиқ равишда 1960–1970-йиллардан бошлаб долзарблашиб бормоқда. Барқарор ривожланиш концепцияси 1992 йилда Рио-де-Жанейрода ўтказилган атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича БМТ Конференциясида маъқулланган. Унда сайёра ифлосланиши, ресурслар қисқариши муаммосини ҳал қилиш, бир сўз билан айтганда, келгуси авлодлар учун сайёранинг экологик салоҳиятини тиклаш кўзда тутилган. Лекин, барқарор ривожланиши ғоялари фақат мазкур вақтда пайдо бўлган эмас.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Дастлаб, глобал муаммоларга эътибор 1962 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг “Иқтисодий ривожланиш ва табиатни муҳофаза қилиш” резолюциясида қабул қилинди, яна 10 йилдан сўнг, яъни 1972 йилда 113 та мамлакат вакиллари атроф-муҳит бўйича Стокгольм конференциясида атроф-муҳит бўйича биринчи жаҳон учрашувида яна мазкур масалада йиғилдилар. 1983 йилда БМТ Бош қотиби ташаббусига кўра Норвегия бош вазири Гру Харлем Брундтланд (Гру Харлем Брунтланд (1939 йил туғилган) норвегиялик жамоатчи ва сиёсий арбоб, 1981-1996 йиллар ўртасида уч муддатда Норвегия Бош вазири, 1974-1979 йилларда Норвегия атроф-муҳит вазири. 1998-2003 йилларда Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори лавозимида ишлаган. 2007 йил 1 майдан БМТ Бош қотибининг иқлим ўзгариши бўйича махсус вакили. Гру Харлем Брунтланд аёл киши бўлишига қарамасдан глобал муаммоларни олдини олишга жонбозлик кўрсатиб келган. Шу жиҳатдан унинг ҳурматиغا Брундтланд комиссияси унинг номи билан аталган) бошчилигида Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича халқаро комиссия (АМРХК) ташкил этилди.

МУҲОКАМА

“Барқарор ривожланиш” (“sustainable development”) тушунчасининг аксарият талқинлари Г.Х. Брундтланд Комиссияси томонидан берилган таърифга асосланиб, уни ҳақли равишда классик термин дейиш мумкин. Бунда иқтисодиётнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш инсоннинг атроф-муҳит (биосфера) билан ўзаро ҳаракатда ривожланиши билан қай даражада келишилганлигига боғлиқ. Макро-мезо- ва микро даражада ижтимоий экологик-иқтисодий тизимлар барқарор ривожланишига ўтиш – умуман, иқтисодиёт, соҳа, корхона даражасида – янги ҳуқуқий нормалар, янги бошқарув тизимини талаб этади. Маълумки, 1980-йилларга келиб экологик муаммолар кўп ҳолларда минтақавий муаммоларга айланган бўлса, 1990-йилларда келиб экологик муаммолар глобал даражага чиқди ва бу қуйидаги салбий тенденцияларда намоён бўлмоқда:

- дунёда тикланадиган деб ҳисобланган ресурслар (тропик ўрмонлар, балиқ ресурслари ва бошқ.) ўзини тиклашга улгурмаяпти;
- жаҳон экотизими бузилиши рўй бермоқда, тобора кўп флора ва фауна вакиллари бутунлай йўқ бўлмоқда, натижада табиатдаги экологик мувозанат бузилмоқда;

– иқлимнинг эҳтимолли ўзгариши энг мураккаб ва энг хавfli муаммога айланмоқда. У ўртача ҳарорат ўсишида ифодаланиб, натижада экстремал табиий-иқлим ҳодисалари: қурғоқчиликлар, тошқинлар, қуюнлар, кескин эрувгарчилик ва аёзлар қайтарилиши ва интензивлиги ўсишига олиб келмоқда ва булар табиат, инсон ҳамда мамлакатлар иқтисодиётига сезиларли даражада иқтисодий зарар етказмоқда [7, 96-97].

Халқаро комиссиянинг “Бизнинг умумий келажагимиз” номли ҳисоботида инсоният ўзининг иқтисодий фаолиятида кўп нарсаларни ўзгартириши кераклиги, чунки акс ҳолда уни жуда оғир синовлар ва атроф-муҳит кескин ёмонлашуви кутаётганлиги ҳақида огоҳлантириш эълон қилинди. Комиссия иқтисодиёт ўсиши сайёранинг экологик имкониятлари чегарасидан четга чиқмаслиги керак, деб таъкидлади. Шунинчун оғир ҳолда 1987 йилда БМТ нинг атроф-муҳитни ҳимоя қилиш бўйича комиссияси техноген ўсишнинг альтернативи сифатида “барқарор ривожланиш” концепциясини ишлаб чиқди.

Унинг бош ғояси – атроф-муҳитга зарарсиз бўлган иқтисодий ўсишни таъминлашдир. Барқарор ривожланиш ҳақидаги тасаввурлар 1995 йилда Копенгагенда ўтказилган олий даражали Бутунжаҳон учрашувида янада чуқур тусга эга бўлди. Унда Ижтимоий ривожланиш манфаатида ҳаракатлар дастури қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда барқарор ривожланиш учун шароит яратишга қаратилган чора-тадбирлар комплекси қабул қилинди:

– жамиятнинг фаолият юритиши ва фаровонлигини белгилайдиган қарорларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фуқаролик жамиятининг кенг иштирок этиши;

– барқарор иқтисодий ўсиш ва барқарор ривожланишнинг кенг миқёсли моделлари ҳамда демографик жиҳатининг иқтисодий стратегиялар ва ривожланиш стратегияларига интеграцияси натижасида барқарор ривожланиш ва қашшоқликни йўқ қилиш суръатларини тезлаштиради ҳамда демографик мақсадларга эришиш ва аҳолининг турмуш даражаси ошишига кўмаклашади;

– ўсиш билан боғлиқ манфаатларни турли ижтимоий гуруҳлар ўртасида адолатли ва камситишларсиз тақсимлаш ҳамда қашшоқликда яшаётган инсонлар озиқ-овқат ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш; – инсонлар барқарор ривожланишига мўлжал олган контекстда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва сақлаб қолиш.

Йоханнесбургда ўтказилган барқарор ривожланиш бўйича Бутунжаҳон саммити (2002 йил) қабул қилган қарорига мувофиқ, 2005 йил декабридан жаҳон

ҳамжамиятининг барқарор ривожланишга ўтиши бошланган. Бунда ижтимоий-экологик жараёнларнинг янги бошқариш механизмларини пухта ишлаб чиқиш зарурлиги эътироф этилди. Янги ривожланиш моделини излаш барқарор ривожланиш парадигмасининг эволюциясини, “яшил” (экологик) иқтисодиёт концепцияси пайдо бўлиши ҳамда иқтисодиёт ва жамият табиий тизимлар ва уларнинг чегараларига мослашиши кераклигини бундан кўра чуқур тушунишга олиб келди.

2015 йил сентябрида жаҳон етакчилари томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳбарлиги остида қабул қилинган 2030 йилга қадар барқарор ривожланиш соҳасида кун тартиби кучга кирди. Янги кун тартиби – бу мамлакатларни барқарор ривожланишнинг 17 мақсадига эришиш устидан ишни бошлашга чақиришдир. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш борасида, Ўзбекистон Республикаси 2015 йилдан кейинги даврда БМТ томонидан 2030 йилгача мўлжалланган 17 та мақсад ва 169 та вазифалардан иборат барқарор ривожланиш дастурини қўллаб-қувватлаб, барқарор ривожланишнинг учта соҳалари (иқтисодий, экологик ва ижтимоий) бўйича комплекс ишларни олиб боришини маълум қилди. Шу жиҳатдан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрда “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 841-сонли қарорида [1] белгиланган чора-тадбирлар режаси ҳам аҳамиятлидир. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сонли қарорига 1-иловада 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар ва йўл харитаси ишлаб чиқилган. Мазкур Мақсад ва вазифаларнинг тартиб рақамлари 2015 йил сентябрь ойида БМТ саммитида қабул қилинган Барқарор ривожланиш глобал мақсадлари тартиб рақамларига тўла мос келади.

Шу ўринда “Биз истеъмол қиладиган махсулотлар, биз нафас оладиган ҳаво, биз ичадиган сув, биз яшайдиган сайёрага ҳаёт бағишловчи иқлим – барчаси табиат тухфаси, устига-устак, ҳозир табиатнинг ўзи бизга белги бермоқда, ўз ҳақимизда қайғуриш учун аввало табиатга ғамхўрлик қилишимиз керак. Ҳозирги уйғониш даври. Муаммоларни пайқаш учун, овозимизни кўтариш учун... Инсоният учун, Ер сайёраси учун яхшироқ муҳит яратиш вақти. Бу халқаро атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунини – табиат вақтидир”, дейилади Халқаро атроф-муҳитни муҳофаза қилиш – 2020 кун тартибида [3, 388].

Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалардаги 4.7-вазифа сифатида “2030 йилгача барча

ўқувчилар ва талабаларнинг барқарор ривожланишига кўмаклашиш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни эгаллашларини таъминлаш”да Халқ таълими вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги масъул ижрочилар этиб белгиланган. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар ташкилоти Бош ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида “Давримизнинг ўткир муаммоларидан яна бири — глобал иқлим ўзгаришларидир. Бугунги кунда ҳар бир мамлакат бу жараённинг салбий таъсирини ҳис этмоқда. Минг афсуски, бундай ўзгаришлар Марказий Осиё тараққиётига ҳам катта хавф туғдирмоқда... Биз хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидаги умумий хатарларга қарши янгича ёндашувлар асосида ва яқин ҳамкорликда ишлашимиз зарур”, деб таъкидладилар [2].

Тадқиқотчи Савлабек Кистаубаев фикрича, экологик таълим-тарбия – инсон ижтимоий-иқтисодий фаолиятининг салбий оқибатларини бартараф этиб, “табиат-жамият-инсон” мажмуаси коэволюцияси ва барқарор тараққиётни таъминлашга, инсоннинг табиат бойликларига онгли муносабатини, табиий атроф-муҳит муҳофазасига нисбатан масъулиятини шакллантиришда муқобили бўлмаган йўлдир [9, 15].

Натижада инсоният келажаги “табиат-жамият” алоқадорлигидаги бир бутун социал-эко система сифатида биосфера тараққиётининг зарурий босқичи ноосферага эҳтиёж сезмоқда.

Тадқиқотчи М.Ю.Шишин фикрича, ноосфера синтетик тушунча сифатида инсон фаолияти натижаларини, жумладан моддий ва маънавий ютуқларни ҳам ўзида мужассам этади. Шунингдек, бу тушунча инсон ва атроф муҳитнинг муносабатлари тизимини нафақат планетар даражада балки космик даражада ифодалайди. Шу сабабли бизнинг нуқтаи назаримизга кўра, шалланиб бораётган янги илмий фалсафий парадигманинг асосида айнан ноосфера ғояси жой олиши мақсадга мувофиқдир [15, 3].

Ноосфера концепцияси доирасида ифодаланган Ноосферавий-экологик фаолиятнинг мазмун-моҳиятини таҳлил этиш ва унинг структурасини аниқлаштириш тадқиқотимиз доирасидаги ҳам назарий, ҳам амалий ишлардан биридир.

Фан тараққиёти, унинг категориал аппарати, концептуал схемалари, конкрет моделлари билиш имкониятларининг кенгайишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида ижодий тафаккур салоҳиятининг ортиб боришига, “Таҳлилнинг янги нозикли методларини яратишга нисбатан ўзига хос талаблар кўяди” [4, 32]. Фалсафа ва фан тарихида ноосфера

концепциясининг методологик аҳамияти Ноосферавий-экологик фаолиятни ташкил этиши билан белгиланади.

Аввало, ноосфера назария сифатида илмий билимнинг энг етук шакли бўлиб, борлиқ жабҳаларининг қонуний ва муҳим боғланишларини яхлит ҳолда ўзида акс эттиради. Ноосфера концепция сифатида ноосферавий билимлар тараққиётининг йўналиши ва мақсадини ифодалайди. Ноосфера концепциясининг назарий-методологик таҳлилида мазкур концепциянинг назарий-фундаментал асослари, назарий тушунчалари ва тамойиллари ҳамда онтологик, гносеологик ва мантиқий жиҳатлари аҳамиятли.

Фалсафа ва фанда ноосферогенез, М.Ю.Шишиннинг фикрига кўра, ночизикли жараёндр. У вақт ва маконда пульсли характер касб этади. Буни “кўз билан кўриш мумкин” бўлган антропогенез, этногенез ҳамда маданиятда кузатиш мумкин. Бу линияларнинг пульсли характерни табиий антропоген, моддий ва энергетик оқимларнинг комплекс таъсирлари билан боғлиқдир. Бу ерда инсон яратган моддий структуралар ва инсон фикрларининг ўзига хос салбий ва ижобий таъсир этиши ҳақидаги гипотеза эътиборга лойиқдир [15, 15].

Ноосфера концепциясининг объектив ва субъектив онтологиясини қуйидагича таҳлил қилиш мумкин: Фалсафа фанлари доктори И.Ҳошимова фикрича, жамият эса табиатга антропоген таъсир этади. Бу жамият томонидан табиатни ўзгартириш, глобал объектларни ўзлаштириш, яъни, инсоннинг табиатни қайта ўзлаштиришдаги комплекс муаммоларини ўз ичига олади. Жамият тараққиёти жараёнида жамият ва табиат муносабатлари тобора чуқурлашиб, мураккаблашиб борган сари табиатга таъсир ортиб боради. Жамият ўз таъсири билан табиатни ўзгартиради, бу жараён моддий ишлаб чиқариш, қайта ишлаб чиқариш орқали, яъни, табиий ресурслардан фойдаланиш, табиий бойликларни кўпайтириш, ифлослантириш ва уни муҳофаза қилиш жараёнида содир бўлади. Жамият тараққиёти унинг табиат билан ўзаро муносабатининг кенгайиши орқалигина содир бўлади [14, 27].

Шу жиҳатдан экологияда толерантлик, корреляция, трансформация, ноосфера, рационаллик каби тушунчаларнинг моҳиятини ёритилиши экология соҳасида билимни бойитади. Биохилма-хилликнинг фалсафий таҳлили экология муаммоларини англашга, ечимига ёрдам беради [13].

Инсоният XXI асрда информацион цивилиция босқичига қадам қўйди. Информацион жамият босқичи ахборот ва компьютер инқилоби каби омиллар асосида ахборотнинг товар маҳсулотга айланиши, жамиятда компьютер соҳасида муҳандис-техник зиёлилар қатламининг вужудга келиши, компьютерлаштириш жараёнининг ишлаб

чиқариш кучига айланиши, интернет тармоқларининг ижтимоий турмуш тарзига тоборо сингиб бориши билан характерланади. Глобаллашув шароитида жамият ахборотлашув жараёнининг имконияти тезлашди ва кенгайиб боради.

Кишилик жамияти тараққий этиб борган сари унинг фаолияти ҳам кўпроқ технологияларга асосланиб боради. Ҳозирги даврда инсон фаолиятининг деярли барча соҳаси технологияларга асослангандир. Технология турли хил ижтимоий муносабат ва фаолият структурасига таъсир этиб турмуш тарзининг янгиланиш (модернизация) ва ўзгаришларнинг асосий омили бўлмоқда. Бу технологиянинг жамиятга, ижтимоий муносабатлар тизимига нисбатан социоген функциясини ташкил этади [12, 15].

Компьютер инқилоби ижтимоий тарихий тараққиётга, маданий, когнитив ва цивилизациявий жараёнларга таъсир этади. Информацион технологиялар инсоният турмуш тарзини ўзгартириб юбормоқда. Буни информацион технологияларнинг социоген функциясида яққол кўриш мумкин.

Шу билан бирга жамият ва уни ташкил этган қатлам ва гуруҳлар турли хил образларда техника ва технологияларга таъсир кўрсатади, уни ўзгартиради, рағбарлантиради, ҳатто деструктив таъсир этиш ҳам мумкин. Бу жамиятнинг технологияларга нисбатан техноген функциясини ташкил этади.

Кишилик жамиятининг ижтимоий тарихий тараққиётида социоген ва техноген функцияларнинг мутаносиблиги кўп жиҳатдан экологик омилларга боғлиқ. Компьютер инқилоби ва кишилик жамиятининг информацион цивилизация босқичига ўтиши, технологияларнинг социоген функцияси экологик муаммоларни янада чуқурлаштиради, ижтимоий тараққиётга салбий таъсир кўрсатади деган пессимистик қарашлар ўтган асрнинг 80-90 йилларида кенг тарқалган эди. Шу муносабат билан экологик инқирознинг чуқурлашуви муқаррар равишда жаҳон ҳамжамияти барча саъй-ҳаракатларни мустаҳкамлаб, глобал, барқарор эко-ривожланишни таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар кўриш орқали табиий муҳит билан ўзаро ҳамкорлик тамойилларини тубдан ўзгартириши лозимлигини кўрсатмоқда [5, 5].

Илмий техник инқилобнинг ижтимоий оқибатларига нисбатан антисциентистик қарашлар бунга мисолдир. БМТ ташкилотининг барқарор ривожланиш шартлари этиб қуйидаги формула асос қилиб олинган [6]. “Ижтимоий тараққиёт + иқтисодий ўсиш + экологик хавфсизлик = барқарор ривожланиш” ғоясини мисол қилиб олиш мумкин. Лекин, бу формула тўла ижтимоий-табиий воқеликни тўла қамраб олмаган деб ҳисоблаймиз. Яъни, ижтимоий тараққиёт, иқтисодий ўсиш, экологик хавфсизлик барқарор ривожланиш том маънода

асоси бўла олмайди. Жамиятда ноосферавий-маънавий юксалиш мезони қарор топмас экан барқарор ривожланиш ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун биз тадқиқот доирамизда “Ижтимоий тараққиёт + иқтисодий ўсиш + экологик хавфсизлик+ноосферавий-маънавий юксалиш = барқарор ривожланиш” ғоясини таклиф қиламиз.

Бунинг учун техноген ва соцоген омилларни рационал тафаккур тарзида оқилоналик муҳим аҳамият касб этади. XX асрнинг иккинчи ярмида инсоният бунинг яхши англайди ва кўплаб пессимистик қарашларнинг асоссизлигини кўрсатди. Жумладан, “Инсоннинг табиатга антропоген таъсири кучайиши кейинги 50 йил мобайнида 25-50 фоиз биологик турларнинг йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлади деган хулосаларнинг асоси йўқ. Аксинча, нари борганда уларнинг 0,7 фоизигина келажакда йўқолиб кетиши мумкин” [10, 42-43]. Мальтуснинг назарияси ёки “демографик портлаш” ҳақидаги қарашлар ҳам асоссиз эканлиги аён бўлмоқда. Бундан ташқари Рим клуби томонидан “Тараққиёт чегараси” деб илгари сурилган башоратлар ҳам асоссиз эканлиги маълум бўлмоқда.

Мустақил республикамизда табиат-жамият тизимида техноген ва соцоген функцияларни мутаносиблигини таъминлашга давлат сиёсати даражасида эътибор берилмоқда. Республикамизда атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий захиралардан оқилона фойдаланиш бўйича Давлат дастури ишлаб чиқилган. Президентимиз экологик хавфсизликни кучайтиришнинг ҳозирги асосий йўналишлари сифатида 6 та устивор тадбирларни кўрсатиб ўтган. 2010 йил 21 сентябрда БМТ саммити мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисида Президентимиз И.А.Каримов экологияни муҳофаза қилиш, орол фожеаси ҳақида тўхталиб ўтди.

Техноген ва соцоген таъсирларда экологик вазифалар ва омиллар рационал тафаккур тарзида мушоҳада этиб уларга оқилона ёндашиш ҳозирги информацион цивилизациянинг асосий хусусиятидир.

Жамият тараққиёти жараёнида жамият ва табиат муносабатлари чуқурлашиб, мураккаблашиб борган сари табиатга таъсир ортиб бормоқда. Зотан, «Ҳозир XX1 аср бусағасида, фан техника тараққиёти жадал тезликлар билан ривожланиб бормоқда. Дунёнинг географик сиёсий тизими ўзгармоқда. Бундай шароитта инсон томонидан биосферага курсатилаётган таъсирни тартибга солиш, ижтимоий тараққиёт билан қулай табиий муҳитни сақлаб қолишнинг ўзаро таъсирини муофиқлаштириш, инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларида муозанатга эришиш муаммолари борган сари долзарб бўлиб қалмоқда» [8].

Албатта, инсон талабларини қондиришнинг манбаи – табиат. Табиатнинг ресурсларини ўз мақсадлари учун фойдаланади. Аммо, Она табиатдан фақатгина «олмоқ» установаки сифатида муносабат қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Бундай муносабатни мутлақлаштириш оқибатида инсон табиат билан аяничли хайрлашади. Мазкур антропоцентрик назария Собиқ шурулар даврида инсон фаолиятида ҳуқимронлик қилди.

Фан ва техниканинг ривожланиши ва инсон эҳтиёжларини ошиб бориши атроф-муҳитни ўнглаб бўлмас даражада ўзгартириб юбормоқда. Маълумотларга кўра, охириги 50 йилда нефт, газ, кўмир, алюминий, темир ва бошқа захиралардан фойдаланиш бир неча ўн, ёғочдан фойдаланиш эса 14 баробарга кўпаймоқда. Кейинги йилларда қуруқликдаги ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида сайёрамизда экологик мувозанатнинг бузилиши, сув режимининг ўзгариши каби салбий оқибатларга олиб келди. Маълумотларга кўра, ҳар йили ер юзидан 13 миллион гектар ўрмон ерлари йўқолиб бормоқда. Чўлланиш дунёнинг қурғоқчил ҳудудларидаги ерларни ўз домига тортмоқда. Бундай антропоген таъсирнинг ҳаддан зиёд ошиши атмосфера, океан, денгиз ва дарёлар, тупроқ, ўрмон экотизимларини издан чиқарувчи глобал хавф-хатарларнинг кучайишига олиб келади. Буларнинг барчаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича кенг кўламли чоратadbирларни амалга оширишни талаб этади. Бу, бевосита глобал миқёсда кескинлашиб кетаётган экологик муаммолар доирасида яққол кўзга ташланмоқда ва уларнинг локал, зонал, регионал сабабларини аниқлашни ҳамда бартараф қилишнинг конструктив-рационал усуллари топишни кун тартибига қўймоқда.

ХУЛОСА

Демак, Ноосферавий-экологик таълим беришнинг антропоцентристик парадигмаси моҳияти – бу инсон энг олий қадрият сифатида эътироф этилиб, табиат эса унинг шахсий мулки сифатида инсон ва табиат қарама-қарши қуйилиб, инсоннинг табиатга таъсири фақат прагматик характерга эга. Келажакнинг улкан пойдевори қурилаётган ҳозирги даврда кўплаб соҳалар қатори илм-фан ҳам муҳим вазифаларни бажариши даркор. Маълумки, кўпчилик фан ютуқларининг яхшиликка, эзгу ғояларга хизмат қилишига ўрганиб қолган. Аммо, ҳамма вақт ҳам шундай бўлаверадими? Фаннинг у ёки бу соҳасида ниҳоятда чуқурлашиб боравериш, қўлга киритилган ютуқларни мутлақлаштириш одамзотнинг табиий имкониятлари ва ҳақ-ҳуқуқларини паймол қилишга олиб



келмайдами? Бу борада инсоннинг ўзини ўрганувчи фанлар соҳасидаги изланишларнинг чегараси борми?, каби масалалар бугунги куннинг долзарб муаммоларига айланиб бормоқда. Ана шундай кўплаб бахс-мунозараларга сабаб бўлаётган фан соҳаларидан бири ирсий инженериядир [11, 3].

Замонавий илм-фан ва маданиятлар асосий йўналишлар орасида ноосфера тушунчасини ўрганиш, унинг шаклланиши ва шаклланиши муҳим ўрин тутди. Биосферани Ноосферага босқичма-босқич амалга ошириш, уни келиши билан жамиятда фан ва технологияларни ривожлантириш долзарб аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб шуни таъкидлаш ўринлики, олий таълимда Барқарор ривожланиш бўйича талабаларнинг билим ва кўникмаларини оширишимиз долзарб бўлиб қолмоқда.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрда “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 841-сонли қарори// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.12.2020 й., 09/20/777/1620-сон
2. Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар ташкилоти Бош ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи// Янги Ўзбекистон, № 183 (183), 2020 йил 24 сентябрь, пайшанба сони.
3. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2021. -Б. 388.
4. Абдуллаева М., Покачалов Г. Философские проблемы методологии науки. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006. -С. 32.
5. Бердимуратова А.К. Философско-методологические проблемы современной экологической ситуации (на материалах Приаралья) // Спец. 09.00.01. Диалектика и теория познания. Дисс-я на соискан. уч. степени док. фил. наук. –Тошкент, 1999. –С. 5.
6. Декларация тысячелетия ООН // Московский журнал международного права, 2001, №1. -С. 257-269; Йоханнесбургская декларация по устойчивому развитию // Вестник экологического образования в России, 2002, № 4. С. 5-6.
7. Исаджанов А. Барқарор ривожланиш мақсадлари: устувор йўналишлари ва долзарб вазифалари // Илмий таҳлил ахборот, 2018, №1. –Б. 96-97.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлар ва тараққиёт кафолатлари. –Т., 1998.
9. Кистаубаев С.У. Шахс экологик дунёқарабини шакллантиришда миллий кадрларнинг роли // Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2019. - Б. 15.



10. Мамашакиров. С. Ваҳимами ёки ҳақиқат. -Тошкент, “Iqtisod-moliya” 2012. – Б. 42-43.
11. Назаров Н.Н. Ирсий инженерия ахлоқий муаммоларнинг фалсафий таҳлили. 09.00.05. Т., 2008. –Б. 3.
12. Ракитов А.И. Философия компьютерной революции. М.: изд. Политическая литературы. 1991, с-15
13. Хошимова И.С. Философский анализ биоразнообразия // Материалы семинара: Проблема биоразнообразия и изменения климата. –Т., 2010.
14. Хошимова И.С. Экология фалсафаси асослари // Фалсафа ва фанлар методологияси муаммолари: Республика илмий-назарий семинар материаллари. –Т., “MUMTOZ SO‘Z”, 2016. -Б. 27.
15. Шишин М.Ю. Онтологические и методологические основания концепции ноосферогенеза. Дисс. Канд. филос наук : 09.00.01. / Москва, 1997. – С. 15.
16. Абдуллаева М., Гаффарова Г. (2020). Структурные преобразования – новые возможности развития. “Ўзбекистон ва Марказий Осиё: XXI аср ижтимоий гуманитар фанлари долзарб муаммолари, интеграция ва истиқбол тенденциялари” халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент, – Б.264-268.
17. Гаффарова Г. (2020). Человеческий капитал в условиях цифровизации Узбекистана. Интеллектуальная культура Беларуси: духовно-нравственные традиции и тенденции инновационного развития: материалы Пятой междунар. науч. конф. Т.2. – Минск: Четыре четверти, –С.72-75.
18. Гаффарова Г. Таркибий ўзгаришларнинг бифуркацион асоси // Academic Research in Educational Sciences, 2021. 2(1) (январь), pp.244-250.
19. Гаффарова, Г., & Абдуллаева, М. (2020). Тасаввуфнинг когнитив тизими замонавий фалсафа призмасида. Academic Research in Educational Sciences, 1(3), 102-114.
20. Гаффарова, Г., & Қодиров, Б. (2020). Рақамлаштириш - инновацион ривожланиш омили сифатида. Academic Research in Educational Sciences, 1 (2), 104-112.
21. Гаффарова, Г.Ғ. (2020), Ахборотлашган жамиятдан рақамли жамият сари: фалсафий таҳлил. УЗА Илм-фан булими (электрон журнали). сентябрь сони, - Б.183-196
22. Гаффарова, Гулчехра Ғуламжановна. (2020). Когнитив жараёнда аутопоэзис назарияси. Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар: Республика миқёсида 16-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари. 193-196.

